МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✵ 2013 йил 2 февраль. Шанба №10 (870) ✵ www.mahallagzt.uz ✵ info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ МАНФААТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

**Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимизни янада обод этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳар соҳада ўз самарасини бермоқда.**

Айниқса, Юртбошимиз ташаббусларига биноан ҳар бир йил алоҳида ном билан аталиши ва шу асосда белгиланган аниқ ва тизимли дастурларнинг амалга оширилаётгани нафақат ислоҳотларнинг изчиллигини, балки озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт барпо этишдек улуғвор мақсадимизга уйғунлигини таъминлаётир.

Бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш фаолиятимиз такомилига хизмат қилиши билан бирга, янги-янги марраларни забт этиш имконини беради.

2012 йил оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, юртимиз равнақи учун ҳар томонлама самарали йил бўлиб, тарих зарварақларига муҳрланди. Айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мазкур жараёнда жамият маънавий негизларини ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар бажарилгани бунинг яққол тасдиғидир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси ва Фонд иш режаси, шунингдек, Фонд ҳамда фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Давлат дастури ижросидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларининг янги таҳрирдаги лойиҳалари тайёрланишида бевосита иштирок этилди.

Шунингдек, фуқаролар йиғини ҳузуридаги комиссияларнинг намунавий низомлари, «Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи тўғрисида»ги ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисида»ги Низомларнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари ишлаб чиқилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлимлари ва республика бошқарувига 2012 йилда умумхалқ ҳайрия ҳашаридан 40 463 млн. сўм маблағ келиб тушган. Ушбу маблағлар хайрия ишларига (21 380,4 млн. сўм), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимлари ва фаолларини малакасини ошириш, услубий қўлланмалар билан таъминлаш ҳамда моддий техника базасини мустаҳкамлаш, молиявий қўллаб-қувватлашга (компьютер, мебель, биноларни таъмирлаш ва қуриш учун 5594,0 млн. сўм), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тартибга келтириш ишларини ташкил этишга (2540,0 млн. сўм), маҳалла фаолиятига оид тадбирлар, оммавий спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, конкурслар ва лойиҳаларни ташкил этишга (1725,0 млн. сўм), давлат дастури, иш режа бандларида кўзда тутилган ҳаражатларга (9223,9 млн. сўм) сарфланди.

> [2]

САРҲИСОБ

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ



**Пойтахтимизда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Фонднинг 2012 йил фаолияти якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иш режаси ҳамда устувор вазифалар муҳокама қилинди.**

Тадбирни «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов очиб, 2012 йилда Фонд ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўрсатиб ўтилган устувор йўналишлар, хусусан, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга кўмаклашишда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим ҳамда бўлинмалари самарали фаолият олиб бораётгани тадбирда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш кун тартибида дастлаб «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2012 йилга мўлжалланган иш режаси ижроси муҳокама этилди.

> [2]

ОБОД УЙ ЭГАЛАРИ

## ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШНАТИШ ИШҚИ БИЛАН



**Янгича қиёфа касб этиб, чирой очаётган қадимий Қўқон шаҳрида бир-биридан обод маҳаллалар, кўча ва хиёбонлар, кўпқаватли турар-жойлар қурилиши кун сайин жадаллашиб бормоқда.**

Шаҳардаги «Озодлик» маҳалласи ана шундай обод масканлардан. Кейинги йилларда бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш, аҳолининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш борасидаги ишлар кўпчиликка намуна бўлмоқда. Маҳалла ҳудуди, йўл ёқаларидаги орасталик, тартиб билан экилиб парваришланаётган дов-дарахтлар, автомобиллар тўхташ жойи, болалар спорт майдончалари — булар барчаси амалий ишлар кўламини кўрсатиб турибди.

Айниқса, Иқболхон Йўлдошева бош бўлган 68- ва 69-кўпқаватли уй обод ва осойишталиги билан ажралиб туради. Ширинсўз, меҳрибон, маслаҳати ва кўмагини аямайдиган, муаммоларни ҳал этишда жонкуяр уй бошлиғининг йўл-йўриқларига барча бирдай қулоқ солади.

> [3]

МАҲАЛЛА — КЎПМИЛЛАТЛИ АҲИЛ ОИЛА

**БИЗ ҚОЗОҚ, ТУРКМАН, ҚИРҒИЗ ВА ТОЖИК ХАЛҚИ БИЛАН МИНГ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АҲИЛ БЎЛИБ ЯШАГАНМИЗ ВА ҲЕЧ КИМ БИЗНИ БИР-БИРИМИЗДАН АЖРАТА ОЛМАЙДИ.**

## САЙҚАЛ ТОПАЁТГАН ЭЗГУ ОДАТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2012 йилнинг 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлганди.**



Ташриф давомида Президентлар ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик тарихи, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимиз манфаатларининг муштараклиги ҳамда тақдирнинг узвий боғлиқлигини яна бир карра тасдиқлагани, ушбу қадриятлар бундан буён ҳам икки давлатнинг ўзаро муносабатлари ҳамда ҳамкорлигининг асосини ташкил қилишини таъкидлагандилар.

Айни шундай, юксак даражадаги ташрифлар давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаб, қардош халқларни янада жипслаштиради. Бундан қозоғистонлик ўзбеклар ҳам, юртдошимиз ҳисобланган қозоқлар ҳам бирдек қувонади, кўнгли тоғдек юксалади.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Қипчоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва бошқа миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқликда яшашади. Йиғинда ҳар бир миллатнинг урф-одат ва қадриятларига алоҳида эъзоз ва ҳурмат кўрсатилаётгани маҳалладошларнинг юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсад йўлида бирлашишига хизмат қилмоқда.

> [3]

КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИДАН

## ИСТЕЪДОД ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ ОЧАДИ

**Юртимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол — жисмонан соғлом, ақлан етук, билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, айни пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳиятли ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассамдир.**

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир».

Дарҳақиқат, бугунги кунда навқирон авлод вакилларининг комил инсонлар бўлиб вояга етишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни алоҳида. Чунончи, пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалла фуқаролар йиғинининг Вояга етмаганлар, ёшлар, спорт ва соғломлаштириш масалалари бўйича комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

> [3]






### РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

Нукус шаҳридаги «Қизилқум» маҳалласида фойдаланишга топширилган «Шуҳрат» савдо мажмуасида аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда. Мажмуа 200 миллион сўмлик имтиёзли банк кредити ҳисобига барпо этилди. Маҳалла аҳли бу ердаги дорихона, чойхона, новвойхона, қандолатчилик, кийим-кечак цехлари, атторлик, озиқ-овқат, хўжалик моллари ва гўшт дўконлари хизматидан баҳраманд. Эътиборлиси, мажмуа фаолият бошлаши билан 40 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлишди.

**БУХОРО**

Вилоят марказида маҳаллий табиий хомашёдан гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ягона Комил Бухорий» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Банкдан олинган кредит эвазига замонавий тўқув дастгоҳлари ўрнатилган корхонада 15 киши иш билан таъминланди. Корхона ойига қирқ минг квадрат метр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

**НАВОИЙ**

Вилоят ички ишлар бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда иштирокчиларнинг чиқишлари милиция таянч пунктларининг маҳалла билан ҳамкорликдаги ишлари самараси, ходимларга яратилган шарт-шароит каби мезонлар асосида баҳоланди. Якуний натижаларга кўра, Қизилтепа туманидаги 46-милиция таянч пункти ғолиб деб топилиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

**ФАРҒОНА**

Риштон туманида вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлими ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Обод турмуш йилига бағишлаб «Миллий ҳунармандчилик — оила фаровонлигининг асоси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, юртимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва имкониятлар, хотин-қизларни касбга йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу куни вилоят ҳудудидаги эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар хотин-қизларига 92 та «Ямата» русумли замонавий тикув машиналари ҳадя этилди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тегишли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда жамғарманинг 2012 йилдаги фаолияти якунлари ва 2013 йилдаги вазифалари таҳлил этилди. Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъул ходимлари иштирок этишди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ МАНФААТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

< [1]

Поёнига етган йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмак беришга маҳалла институти зиммасидаги долзарб вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилди. Фонд тузилмалари томонидан 1300 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол, 3 минг 300 дан зиёд хонадонга 66 мингтадан ортиқ парранда олиб берилди. Ушбу мақсадларга 1 миллиард 830 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, 123 нафардан зиёд оила қурган 30 ёшгача бўлган Меҳрибонлик уйи битирувчиларига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 302,3 миллион сўмлик мебель жиҳозлари туҳфа этилди.

Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари зиммасига улкан масъулият ва вазифалар юкланаётган экан, йиғин мутасаддиларининг билим ва маҳоратларини муттасил ошириб боришни даврнинг ўзи тақозо этади. 2012 йилнинг 1-4 май кунлари фуқаролар йиғинлари раислари ва котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси аъзоларининг билим даражасини ҳамда социал ва жамоат ишларини бажариш бўйича амалий кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув-семинарлари юқори савияда ташкил этилди.

Фонд ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловлар фуқаролар йиғинларининг салоҳияти ва имкониятларини ошириш билан бирга, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустаҳкам оила йилида фуқаролар йиғинларининг «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг барча босқичлари юқори савияда ташкил этилди. Қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида ўтган танловда қатнашган барча маслаҳатчилар аҳолининг турмуш даражасини ошириш, тиббий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, халқимизга хос бағрикенглик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳар бир оилада тинчлик-осойишталикни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш билан бирга, ўзига хос иш услуби, ҳуқуқий билим даражаси, комиссиялардаги фаол иштирокларини намойиш қилишди.

Бугунги кунда маҳалла аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатликни таъминлаш, маънавий-маърифий юмушлар кўламини кенгайтириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни кенг тарғиб этиш маскани сифатида ҳам халқ ишончини қозонди.

Шу маънода соҳада амалга оширилган ишлар, масъулиятли вазифалар кўламини қамраб олган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови ҳам «Мустаҳкам оила» ғоясини амалга ошириш борасида ташкилий-амалий, тарғибот ишларини кучайтириш, маҳалла институти нуфузини ошириш борасида самарали фаолият кўрсатиб келаётган йиғинларни аниқлаб, уларнинг тажрибаларини кенг тарғиб этиш имкониятини берди.

Баркамол авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни алоҳида эканини таъкидлаш зарур. Фонд Иш режасининг ижроси юзасидан ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан маҳаллалардаги 716 та болалар майдончасини қайта таъмирлашда ва жиҳозлашга ҳамда 188 та янги болалар майдончасини барпо этишда кўмаклашилди. Мазкур тадбирларга 1 миллиард 23 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Фонд томонидан оммавий спорт турларини ривожлантириш, ёш авлоднинг жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама етук инсонлар бўлишига шароит яратиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш, ёшларни турли оқимлар таъсиридан асраш мақсадида «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Ўзбек жанг санъати» каби республика турнир мусобақалари юқори савияда уюштирилди.

Якунланган Мустаҳкам оила йилида ҳамкор ташкилотлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида Тошкент шаҳрида «Мустаҳкам оила — жамият тараққиёти гарови» мавзусида республика семинари ўтказилди. Август ойининг тўртинчи санасида эса Чирчиқ шаҳрида «Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи» мавзусида республика конференцияси ташкил этилди ва унда республикамиздаги 194 та туман ва шаҳардан маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Фонд мутасаддилари ва 250 нафар маҳалла фаоли иштирок этди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролар йиғинларининг ўзига хос ўрни бор. Улар зиммасидаги вазифаларни уддалаб, жамият фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Буни нафақат кенг жамоатчилик, балки ўтган йилнинг 28-29 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида «Оила институтини мустаҳкамлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзусида ўтган халқаро илмий-амалий давра суҳбатига ташриф буюрган дунёнинг ўндан зиёд давлати экспертлари ҳам эътироф этишди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда оилага асрлар мобайнида шаклланиш босқичларини босиб ўтган қадриятлар хазинаси, ватан ичидаги мўъжаз Ватан сифатида қаралишини, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор, деган қатъий ишонч қарор топганини, шунингдек, бу жараёнда маҳалла институти муҳим ўрин тутаётганлигини якдиллик билан эътироф этишининг ўзи ҳам халқаро ҳамжамият томонидан берилган юксак баҳодир.

Муҳтарам Президентимиз Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтганди.

Ўтган йили фуқаролар йиғинларининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифалар ижросини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор ишлар амалга оширилди. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги туман(шаҳар) ҳокимларининг ҳисобот даври давомида 8632 марта ҳисоботи эшитилди. Ушбу ҳисоботларда 9786 та фуқаролар йиғинининг иштироки таъминланди. 530 марта халқ депутатлари вилоят, туман(шаҳар) Кенгашлари сессияларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишга оид масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маҳаллаларда амалга оширилаётган эзгу ишлар ва хайрли ташаббуслар кўламини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник салоҳиятини ошириш билан бевосита боғлиқ.

Жумладан, 2012-2016 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари(маҳаллалар)нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилди. Унга кўра, 2012 йилда 35 та фуқаролар йиғини янгидан қурилди. 590 таси жорий ва капитал таъмирланди. 1291 та йиғинга компьютер, 752 тасига мебель жиҳозлари олиб берилди. Ушбу мақсадларга Фонд томонидан 5,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Маҳаллаларда фуқароларнинг маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар, ватанпарварлик ҳамда инсонпарварлик руҳида тарбиялаш каби ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигига ижобий таъсир этувчи 600 мингга яқин тадбирни ташкил этишда фуқаролар йиғинларга услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилди. Қолаверса, оилалар барқарорлигини таъминлаш, ота-оналарнинг ёшларни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимларини ошириш мақсадида саккиз ярим мингга яқин фуқаролар йиғини ҳузурида «Ота-оналар университети» ташкил этилди.

Юксак маънавий муҳит ва моддий таъминот оила мустаҳкамлиги гарови ҳисобланади. Шу боис, маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида алоҳида аҳамият қаратилди. Эътиборлиси, оилавий бизнесни йўлга қўйишда ҳар бир ҳудудга хос хусусият ва имкониятлар ҳисобга олинди. Масалан, шаҳарларда оилавий бизнеснинг савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш йўналишларига катта эътибор қаратилган бўлса, азалий ҳунармандчилик марказларида ҳунармандчилик, тоғли ҳудудларда чорвачилик ва асаларичилик, деҳқончилик билан ном қозонган жойларда миришкорлик жадал ривожланди. Муҳими, ушбу изланишлар ўзини оқлади — оилавий бизнеснинг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш борасидаги улуши ортди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва асалнинг асосий қисми оилавий бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келаётгани, гўшт, тухум ва балиқ маҳсулотлари эса йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Маҳаллаларда касаначилик, оилавий бизнес, тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига республика бўйича 50 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашилди.

Бажарилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар — ўзимизники. Лекин ҳали олдимизда турган долзарб вазифалар талайгина. Бу эзгу ишларимиз Обод турмуш йилида янада долзарб аҳамият касб этади.

Юртбошимиз томонидан 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилиши замирида чуқур маъно-мазмун мужассам. Зеро, Обод турмуш йили «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган инсонпарвар сиёсатнинг узвий давомидир.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти — бу, аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир. Шу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир», деб таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг маҳалла институтини янада такомиллаштириш борасидаги ушбу даъватлари тизим мутасаддилари ва фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу билан бирга, жорий йилда ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаолиятимизни янада жонлантириш, маҳаллани ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини оширишга қаратилган долзарб таклифларимиз билан фаол иштирок этишга ундайди.

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, обод қилиш, аҳолининг ўзини ўзи бошқариш тизимини, ижтимоий ҳимоясини янада такомиллаштириш Обод турмуш йилида ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига улкан масъулият юкланиши тайин. Чунки бу тузилма аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, турмуш ободлигини янада ошириш, эҳтиёжманд оилалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш тадбирларини ташкил этишда бош-қош. Аҳоли манфаатини кўзлайдиган юмуш борки, унда фуқаролар йиғинининг иштирокисиз кўзланган мақсадга эришиш қийин кечиши ҳеч кимга сир эмас.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини томонидан йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш устахоналари, халқ ҳунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тайёрланмоқда.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари, масъул котиблар, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарларини бу йил ҳам юқори савияда ташкил этиш кўзда тутилган.

Обод турмуш йилида Фонднинг асосий йўналишларидан бири бўлган ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада республикамизнинг ҳар бир тумани ва шаҳридан ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оила вакилларининг юртимизнинг диққатта сазовор жойларига саёҳатларини уюштириш ҳамда Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз, Мустақиллик, Янги йил байрамлари арафасида кам таъминланган оила фарзандларига, ногиронларга, ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш изчил давом эттирилади.

Энг асосийси, Обод турмуш йилида Фонд ва унинг қуйи бўғинлари томонидан бир қатор вазифаларни амалга ошириш режалаштирилганки, пировардида булардан турмушимизни янада обод қилишдек эзгу мақсад кўзда тутилган.

Аввало, фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб боришнинг ягона тартибини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларга шарҳлар тайёрлаш ва нашр қилиш кечиктириб бўлмас вазифалар сирасига киради. Қолаверса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллантириш механизмларини, шунингдек, ҳашар йўли билан қурилган бино ва иншоотларни уларнинг балансига ўтказиш механизмини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳам доимий эътиборимизда бўлиши талаб этилади.

Фуқаролар йиғинларининг фаолиятини ташкил этиш учун зарур компьютер жамланмалари, мебель жиҳозлари ва бошқа оргтехника воситалари билан тўлиқ таъминлаш чора-тадбирларини кўриш меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир этишини унутмаслик зарур.

Ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва коммунал хизматларни амалга оширишда давлат бошқарув органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан фуқаролар йиғинларининг муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш лозим.

Айни пайтда фуқаролар йиғинларида асосий фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари, «Ота-оналар университетлари» фаолиятини такомиллаштириш, ушбу тузилмалар фаолиятига кенг жамоатчиликни жалб этиш олдимизда турган устувор вазифалардан биридир. Шу билан бирга, ҳудудий профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бошқа жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик муносабатларини кенгайтириш, «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини изчил амалга ошириш давр талабидир.

Бир сўз билан айтганда, истиқлолимиз солномасида турмушимиз фаровонлигини муттасил оширишдек эзгу мақсад кўзланган яна бир давр — Обод турмуш йили бошланди. Аввалги йилларнинг узвий давоми сифатида бу йилда ҳам Ватан равнақи, халқ манфаати учун хизмат қилиш, шубҳасиз, барчамиздан фидойилик ва масъулиятни талаб этади.

**Анвар АҲМЕДОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви раиси.**

САРҲИСОБ

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ



< [1]

— Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан 2012 йилда чораклик дастурлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил таъминланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Долли Аллаев. — Фуқаролар йиғинлари хоналарини жиҳозлаш ва ходимлар томонидан юритиладиган ҳужжатлар бўйича намунавий тавсиялар тасдиқланиб, ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида ҳудудларда намунавий фуқаролар йиғинларини шакллантириш тизими жорий этилди.

Фуқаролар йиғинларининг намунавий ҳафталик, ойлик ва чораклик иш режалари тайёрланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилган.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар йиғинларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларини бажаришда йиғин фаолларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорлиги бўйича намунавий тавсиялар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланган.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини баҳолаш бўйича мезонлар шакллантирилди. Ҳудудларда ижтимоий, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича, аҳоли хонадонларига маҳалла раиси ва профилактика инспектори билан ҳамкорликда кириб чиқишни қайд этиш бўйича дафтар лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мустаҳкам оила йилида Фонд ва унинг қуйи бўғинлари томонидан жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлик механизмини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимованинг айтишича, республикамиздаги барча фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан «Баркамол авлодни тарбиялашда оила ва таълим муассасаси ҳамкорлиги» мавзусида 5689 марта йиғилиш, 7795 марта давра суҳбати, 6596 марта профилактик тадбир ўтказилган.

Маслаҳатчилар томонидан ўтган йил давомида 5 миллиондан зиёд оиланинг аҳволи ўрганилди ҳамда уларнинг натижалари асосида 455 мингдан зиёд фуқарони ишга йўналтиришда кўмаклашилди. 170 мингга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Фуқаролар йиғинларида 23 мингга яқин оилани яраштиришга эришилди.

Ўтган йили маҳаллаларда оилавий ажримларнинг олдини олиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида 2011 йилга нисбатан 2012 йилда оилавий ажримлар 1116 тага камайган.

Йиғилиш кун тартибидаги навбатдаги масала, яъни «Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари тўғрисидаги Уставда белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг ижросини таъминлаш» мавзусида Фонднинг ташкилий-кадрлар бўлими бошлиғи Учқун Маҳмудов маъруза қилди.

2012 йили «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Адлия вазирлигидан қайта рўйхатдан ўтказилиб, янги Уставга эга бўлди ва унга асосан ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли «Жамоат фонди» этиб белгиланганди. 2013 йил 15 январда Фонднинг республика бошқарув қарори билан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари тўғрисидаги Устави тасдиқланиб, ҳудудий тузилмаларга етказилгани ҳамда Фонднинг ҳар бир мутасадди ходими мазкур Устав асосида иш юритиб, Фонд маблағларини Уставда белгиланган мақсад ва вазифалар асосида сарфлаши лозимлиги иштирокчиларга тушунтирилди.

— Янги Уставга кўра, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) бўлинмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли муассаса шаклида бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий органларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади ва юридик шахс мақомига эга бўлади, — дейди Учқун Маҳмудов. — Янги қоидага асосан, Фонднинг бўлим бошқаруви бош ҳисобчиси тегишли ҳудудий бўлим бошқаруви раисининг тақдимномасига кўра республика бошқаруви раисининг фармойишига асосан, бўлинма бошқаруви катта ҳисобчиси эса, туман (шаҳар) бўлинма бошқаруви раисининг тақдимномасига кўра бўлим бошқаруви раисининг буйруғи билан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Шунингдек, Фонднинг республика бошқаруви томонидан фонднинг бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари вакиллари орасидан камида етти кишидан иборат таркибда шакллантирилган бўлим бошқаруви бўлимнинг раҳбар органи, бўлим бошқаруви томонидан бўлинма ва фуқаролар йиғинлари вакиллари орасидан камида беш кишидан иборат таркибда шакллантирилган бўлинма бошқаруви эса, бўлинманинг раҳбар органи ҳисобланади. Фонднинг бўлим бошқаруви аъзолари республика бошқаруви томонидан, бўлинма бошқарув аъзолари эса бўлим бошқаруви томонидан икки ярим йил муддатта тасдиқланиши таъкидланди.

Йиғилишда, шунингдек, Фонднинг молия-хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида 2012 йил фаолияти якунлари таҳлили, муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари муҳокама этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Фонд зиммасига юклатилган вазифалар ва уларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш, ижро интизоми ва кадрлар билан ишлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигига тўхталдилар.

Ошкоралик руҳида ўтган йиғилишда айрим ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан ижро интизоми, қуйи тузилмалар томонидан ҳужжатлар ижроси устидан мониторингни амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ишларни режалаштириш борасида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқид остига олинди, уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бошқарув йиғилиши кун тартибидаги масалалар юзасидан Фонднинг вилоятлар бўлимлари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш давомида Фонд зиммасидаги вазифалар ижросини таъминлаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш, Фонд Уставида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинларига мунтазам услубий ва амалий ёрдамлар бериб боришни тизимли йўлга қўйиш, йиғинлар ва улар таркибидаги комиссиялар ишларини жонлантириш, Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларида хат ва ҳужжатлар билан ишлаш, фуқаролар мурожаатларида ҳуқуқий меъёрларга қатъий амал қилиш, Фонд тизимида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, ҳудудий бўлим ва бўлинмаларидаги бўш (вакант) лавозимларни ёш, билимли, ташкилотчи, ташаббускор, талабчан, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган кадрлар билан тўлдириш каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

Қизғин, мунозараларга бой, ишчан руҳда ўтган бошқарув йиғилиши якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

ХУШХАБАРЛАР

## 2200 та автобус ва юк автомобили

**Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар, автобуслар, юк машиналари шаҳару қишлоқларимиз йўлларида аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётир.**




Вазирлар Маҳкамасининг «2013 йилда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларининг прогноз параметрлари тўғрисида»ги қарорига кўра, «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти жорий йилда «ISUZU» русумидаги 1,1 мингта автобус ишлаб чиқаради.

Бунда маҳаллийлаштириш ҳажми 20 фоизни ташкил этди. Корхонада, шунингдек, «ISUZU» русумидаги 1,1 мингта турли юк машиналари ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилмоқда. Бу конвейрда маҳаллийлаштириш ҳажми 9-19 фоиз бўлиши кутилаётир.

## Сайёҳлар учун тезюрар поезд

**«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси 2013 йилда Буюк ипак йўлида жойлашган ҳудудлар — Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарлари ҳамда Бойсун тумани бўйлаб сайёҳлик тезюрар поездини ишга туширишни режалаштирмоқда.**




«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ туризм, реклама ва маркетинг тадқиқотлар агентлигининг маълумотига кўра, ушбу сайёҳлик поезди махсус ишлаб чиқилган жадвал бўйича ҳаракатланиши кўзда тутилган. Сайёҳлик поезди «люкс» талаблари асосида жиҳозланади. Купеда душ ва телевизор мавжуд бўлади. Поезд 60-70 йўловчига мўлжалланган. Ҳаракатланиш давомийлиги эса 10-15 кундан иборат.

МАҲАЛЛА — КЎПМИЛЛАТЛИ АҲИЛ ОИЛА

# САЙҚАЛ ТОПАЁТГАН ЭЗГУ ОДАТЛАР



< [1]

Шу боис, маҳаллада мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ саналар, Наврўз шодиёналари ва ўзга миллат вакили бўлган юртдошларимизнинг миллий байрамлари катта тантаналар билан нишонланади, уларда турли халқларнинг куй-қўшиқлари янграйди. Ана шундай шодиёналарда бошқа халқларнинг этник келиб чиқиши ва турмуш тарзи акс этган гўзал урф-одатлар билан яқинроқ танишиш имкони юзага келади. Шу тарзда миллатлар ўртасидаги муштарак туйғулар қайта кашф этилиб, халқимизнинг жипслиги, иноқлиги янада мустаҳкамланиб боради.

— Аҳолимиз кўпмиллатли экани фаолиятимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатади, — дейди мазкур маҳалла раиси Эркин Турсунбоев. — Бу, айниқса, умумхалқ ҳашарлари, ободонлаштириш ишлари жараёнида яққол намоён бўлади. Яқинда Файзли кўчамиздаги бир пайтлар ўрнатилган симёғочларни янгисига алмаштиришга киришгандик. Бир лаҳзада 19 та симёғоч ўрнатилди. Бундай ҳамжиҳатликни четдан кузатган киши ёшларимизнинг ғайратини, савкели кийган қозоқ нуронийсининг, бахмал дўппили ўзбек отахонининг далдасини эшитиб, бу ердаги аҳилликдан қувонади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзга миллат вакили бўлган юртдошларимизнинг тили, урф-одат ва анъаналари бардавомлигини таъминлаш учун барча имкониятлар яратилди. Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб келаётган марказлардан бири Қозоқ миллий маданият марказидир. Унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги, шунингдек, Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидаги Қозоқ миллий марказлари киради.

Бугунги кунда марказ томонидан миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қозоқ тилини ўрганиш, қардош халқнинг маданий салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Марказ қошида ташкил этилган миллий этнографик фольклор жамоалари, ёшлар ва эстрада ансамбллари изчил иш олиб бормоқда, — дейди марказ ходими Зулайҳо Ўрозбоева. — Улар орасида «Дўмбира» чолғу ансамбли, «Дарин» ансамбли ва бошқа ашула-рақс дасталари ўзига хос ўрин эгаллайди. Қозоқ миллатининг қадим осори-атиқалар жамланган Бўстонлиқ туманидаги «Шахшам» этнографик музейи фаолияти таҳсинга лойиқ.

Шунингдек, Абай, Жамбул, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Қабит Мусрепов сингари қозоқ маданияти, тили, адабиёти ва санъатининг таниқли намояндалари юбилейлари ўтказиб келинаётир.

Ҳар йили мухташам «Истиқлол» санъат саройида оқинларнинг «Айтис» халқаро мусобақаси ўтказилади. Бу айтишувларни тинглаб, барча миллат вакиллари бирдек завқ олса, қозоқ оға-иниларимиз умргузаронлик қилаётган «Қипчоқ» каби маҳаллаларда «Алтибақа», «Тусау кесер» миллий байрамлари маҳалладошларни янада жипслаштиради.

Шубҳасиз, аҳоли ўртасида ўзаро илиқ муносабатлар ана шундай тадбирлару байрамларда янада сайқал топиб бораверади.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

ОБОД УЙ ЭГАЛАРИ

# ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШНАТИШ ИШҚИ БИЛАН

< [1]

Ўтган йили уй бошлиғи ташаббуси билан иккита кўпқаватли уйнинг ертўла қисми, иссиқ ва совуқ сув тармоқлари алмаштирилди. Уй атрофидаги сув йўллари тартибга келтирилди. Ҳафтанинг ҳар шанбаси тозалик куни деб белгиланган. Бунга ҳамма бирдек амал қилади. Ҳашарларида сабабсиз қатнашмаганларга кўпнинг олдида танбеҳ берилади, улар огоҳлантирилади.

— Уй ва унинг атрофини тоза сақлаш учун ҳамма бирдек масъул бўлмоғи шарт, — дейди уй бошлиғи И.Йўлдошева. — Буни ҳис этмай туриб бирор-бир натижага эришиб бўлмайди. Одамлар ҳамжиҳат бўлиши, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиши керак. Ҳар икки ҳафтада қўшнилар билан тўпланиб, камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида фикрлашиб оламиз. Аксарият масалаларни кўпчилик бўлиб ҳал этамиз, маҳалла фуқаролар йиғини кўмагига таянамиз. Яқинда ишсиз қизлар ва ёшларни фойдали меҳнатта жалб этиш масаласи ўртага ташланди. Маҳалла ҳудудидаги мавжуд корхона ва фирмалар билан боғланиб, бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар олиб, ўн нафардан зиёд қизни тикувчиликка жалб этдик. Ўсмирларни эса мебель ва косиблик йўналишларига ишга жойладик. Натижада оилалар турмуши фаровонлашиб, уй-жойимиз обод бўлмоқда.

— Уй бошлиқлари ҳар бир ишимизда маслакдош, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоҳиста Маматқулова. — Ободонлаштириш, коммунал тўловларни вақтида амалга ошириш, ногиронларни йўқлаш, нотинч оилаларни тартибга чақириш, эҳтиёжманд хонадонларга нафақалар тайинлаш, ёшлар билан ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, тўй-маросимлар, хуллас, барча ишларимизда уй бошлиқлари бош-қош.

Ҳудудимиздаги 22 та кўпқаватли уйда 3 минг 162 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йили бу уйларнинг 14 таси аҳоли ва уй бошлиқлари саъй-ҳаракати, елиб-югуришлари натижасида уй-жой мулкдорлари ширкати билан ҳамкорликда капитал таъмирланди. Сув қувурлари янгиланди, эшик-ромлар ўрнатилди. Бу эса, қишли-қировли кунларда хонадонлар иссиқ бўлишини таъминлаяпти. Автомобиллар ҳамда аҳоли ҳаракатланишига халақит бераётган, маҳалламизнинг меъморий кўринишига путур етказаётган, тартибсиз ўрнатилган 187 та темир гараж олиб ташланди.



Бу ишларнинг бошида Иқболхон опадек катта ҳаётий тажрибага эга кишилар турибди. Бундай ҳамкорлик аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда жиноятчилик беш бараварга камайди. Ёшлар учун иккита болалар майдони, учта ўйингоҳ қурилди. Бу йил эса, фаолиятимизни янада жонлантириб, ҳар бир кўпқаватли уй олдида болалар майдончалари, ўйингоҳлар қуришни режалаштирганмиз.

— Иқболхон опа моҳир чеварлардан. У узоқ йиллар тикувчилик корхонасида ишлаб нафақага чиққан тажрибали инсон, — дея суҳбатга қўшилди 68-уйнинг 1-хонадонида истиқомат қилаётган Анорхон Раҳимова. — Шу боис, қаерда янгилик, яхши тажриба бўлса, дарҳол кўпнинг ҳукмига ҳавола қилиб, ўзи бош бўлади. Баҳор келиши билан болалар майдонини қуришга киришиш учун кўпчилик билан маслаҳатлашиб ҳозирдан жой тайёрлаб қўйган.

«Озодлик»да ҳар бир киши янгиланиш, яшнатиш ишқи билан яшамоқда. Чунки улар ўзлари ва фарзандларининг бугуни ҳамда эртаси учун бефарқ эмаслар. Зеро, обод уйда озод, меҳнаткаш одамлар яшайди.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИДАН

# ИСТЕЪДОД ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ ОЧАДИ



< [1]

Маҳаллада икки ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилса, уларнинг қарийб 700 нафари вояга етмаган ўғил-қизлар. Бу эса, ўз-ўзидан ўсиб келаётган ёш авлодга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб бериш, халқимизнинг бебаҳо қадриятларини уларнинг онгу тафаккурига сингдириш, салбий иллатлар (ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, эрта турмуш) ҳамда турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишни тақозо этади. Бу каби вазифалар комиссия фаолиятининг асосидир.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида самарали бажарилишини йиғин раиси Абдураҳим Аҳмедов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Дилором Ниёзова, профилактика инспектори Шароф Қувондиқов, тумандаги 291-умумтаълим мактаби директори Нодира Кенжаева, спорт устаси Ҳилола Нишонова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси Лазокат Қодирова, шунингдек, қобилиятли ёшлардан Жамшид Эшмуҳаммедов, маҳалланинг обрў-эътиборли, тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган отахон ва онахонларидан иборат фаоллар ўз зиммаларига олишган. Бундан ташқари, комиссия ишига ҳудудда истиқомат қилувчи ташаббускор ёшлар, комиссия зиммасидаги вазифалар моҳиятини чуқур тушунадиган мутахассислар жалб этилган.

